

Дилшод Шайдарова:
УЛКАН ИМКОНИАТЛАР
МАМЛАКАТИДА
ЯШАЯПМИЗ



ҚЎФИРЧОҚМИ
ЎКИ... ҚИЗЧА?!



ОЛИМПИАДА
ҚИЗГИН КЕЧМОҚДА



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Болаликнинг беғубор ҳаяжонлари

УШБУ СОНДА:

Мол-мулк ва ер солиғи: имтиёзлар борми?	2
Энг нотоза жой... инсондаги аъзолардан бири экан!	5
Қайси шарбатлар фойдали?	6
Рашкчи акалар касри	7
Оталикни белгилаш шартлари	8

ҲИКМАТ

Эвазига яхшилик кутиб қилинган яхшилик яхшилик ҳисобланмайди, балки у оддий олди-бердидан иборат, холос.

Абдибек ШЕРОЗИЙ

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИ

уни тўлаш тартиби ва имтиёзлар

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва ер солиғини ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар йили 1 февралгача объектнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматини, эгаллаган ер участкаларининг майдонларини ва унинг мулкдорини кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектнинг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган шартли қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Президентимиз томонидан 2013 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги қарорнинг 18-илоҳасига мувофиқ 2014 йилга жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаса солиқ ҳисоблаш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва

қишлоқ жойларда 8030,0 минг сўм миқдорига мол-мулкнинг шартли қийматлари белгиланган.

Мол-мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилади.

Шу ўринда бир нарсани айтиш жоиз. Баъзан фуқаролар томонидан уй-жой қуриш қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари кузатилади ёки уй-жойларига доир мулк ҳуқуқларини ўз вақтида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни пайсалга солишди. Бундай ҳолатда уй-жой, зарур хизматлар билан боғлиқ тўловлар ва бошқа шу каби масалаларда номутаносибликлар пайдо бўлади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 160-моддасида: «Фуқароларнинг уй-жойларини, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларини бузиши, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаслиги, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади», дея қайд этилганини келтириб ўтиш жоиз.

Ж а р а ё н

Жисмоний шахсларга мол-мулк ва ер участкалари бўйича солиқ ҳисобланганлиги тўғрисидаги тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майгача тақдим этилади. Жисмоний шахслар эгаллигидаги турар ва нотурар жой объектларига ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини солиқ даври учун ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар тўланади. Белгиланган муддатдан кечиктириб тўланган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади. Ҳисобланган солиқларни муддати тўламаган фуқаролардан солиқлар амалдаги қонунчиликка биноан белгиланган тартибда суд орқали мажбурий ундирилади.

Албатта, ҳар бир фуқаро ўзига тегишли мол-мулк объектлари ва ер участкалари учун ҳисобланган солиқларни тўлов муддатидан аввал тўлаши мумкин.

Шу ўринда жисмоний шахсларнинг айрим тоифаларига белгиланган солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 275-, 290-моддаларида акс этганини ҳам таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, имтиёзга эга бўлган фуқаро эгаллигида бир неча мулк ёки ер объекти мавжуд бўлса, бундай ҳолда объект эгасининг танлашига қараб, фақат битта объект бўйича имтиёз берилди. Белгиланган имтиёзлар фақат кўчмас мулк объекти ёки ер участкаси мулкдорига имтиёзга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат асосида қўлланилади.

Саидмахмуд МАХМУДОВ,
Косоний туман ДСИ бошлиғи.
Наманган вилояти.

Фаолият

ҚАРИНДОШДАН УНДИРИЛАДИ

Тарғибот тadbирлари билан биргаликда, зарурат туғилганда, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, уларни ўйлантираётган саволларга тўғри ечим топишларида кўмаклашишнинг ҳаётий аҳамияти бор. Бунга кундалик фаолиятимизда кузатиладиган мисоллардан ҳам келтириш мумкин.

— Эрим менга уйланишдан олдин туппа-тузук жойда ишлашни айтганди, кийиниши, ёнида доим анча пул бўлишига қараб ишонгандим, — дея сўз бошлади ҳузуримизга келган аёл. — Уларнинг уйи биздан анча узоклиги, танимаслигимиз панд берди, чоғи. Тўйдан кейин эса... рўзғорни қайнонам тебратиши, эрим ичкиликка муккасидан кетган, ҳеч қаерда ишламайдиган бир бетайин одам эканини англаб етдим. Ичманг, деганимнинг фойдаси йўқ эди. Кетай десам, гап-сўзга қолардим, бир йил чидадим, фарзанд кўрдик. Қайнонам ўзига тўқ бўлса ҳам «рўзғорингизни эплаб олинг энди», деб холи жонимга қўймай бошлади. Хуллас, турмуш ўртоғим билан ажрашдим. Қиз пайтим бир дўконда фаррош бўлиб ишлардим, улардан илтимос қилиб, ҳозир яна шу ерда ишляяман. Эримнинг алимент бериш имконияти йўқ. Шу масалада маслаҳат берсангиз. Оилавий шароитини тушуниб турибсиз, боламнинг отаси тирик, энди унга бувиси ёрдам беришининг қонуний бирор чораси бормикан?

Биз қонун ҳужжатларида қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари хусусида белгилаб қўйилгани, унинг вояга етмаган фарзанди учун бувисидан алимент ундирилиши мумкинлиги ва бунинг қонуний тартиблари ҳақида тушунириб, аёлга зарур ҳуқуқий маслаҳатлар бердик.

Орадан кўп вақт ўтмасдан аёл бизга кўнғирок қилиб, ҳозирда бувиси неварасига алимент бераётганини айтди. Албатта, бундан биз ҳам мамнун бўлдик.

Раҳмонали ҒОЙИПОВ,
Норин тумани ФХДЭ бўлими мудир.

Огоҳлик

БЕПАРВОЛИК ҚИЛМАНГ!

Албатта, шахримизда барпо этилаётган қулай ва кўркам хусусий уй-жойларни бирор бепарволик туфайли юзага келиши эҳтимоли бўлган ёнгинлардан эҳтиётлаш жиддий зарурат саналади. Бироқ, бунга лоқайд қараб, қутилмаганда панд еб қолаётганлар ҳам йўқ эмас.

Ақсарият ҳолларда содир бўлаётган ёнгинлар электр ускуналарининг носозлиги, яъни электр ҳисоблагичларда қўлбола сақлагичлар (предохранитель) қўлланилиши, вақтинчалик симларни бир-бирига боғлаб уланиши, болаларнинг олов билан ўйнашлари, электр ва газ пайвандлаш ҳамда газдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, спиртли ичимлик ичган ҳолда сигарета чекиб эҳтиётсизлик қилиш каби ҳолатлар туфайли юзага келмоқда.

Хонадонларда янги қуриладиган ёки таъмирланаётган уй-жой ҳовлиларида ёнги ошхона ва тандирхона, молхона ва ем-хашақхоналарнинг ҳамда ҳар жуфт хоналар орасида 6 метрдан кам бўлмаган оралиқларни сақлаш, икки қўшни хонадон оралиғини томни кесиб ўтувчи 60 сантиметр баландлиқдаги ва қалинлиги 12 сантиметрдан кам бўлмаган ёнгина қарши деворлар билан ажратиш, уй томининг ёғоч панжараларига ўтга бардошлилигини оширувчи суюқликлар билан ишлов бериш лозим. Хоналарда иситиш печкаларини тўғри қоидага мувофиқ ўрнатиш, ертўла ёки цоколь қаватларда (том қисми), гараж, ошхона, ҳаммом ва иситиш тизими қозонхонасини жойлаштиришда, табиий газ қувурларини ўтказишда ёнгина қарши тўсиқлар, қаватлараро ёппалар, ёнгина бардошли мўрилар ўтказиш, электр таъминотини траверслар орқали ўтказиш, бинонинг ёғоч конструкцияларидан электр симларни ҳимоя қобилиятини олиб ўтиш ёнгиннинг олдини олиш чораларига кирди. Шу билан бирга, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига ҳар доим риоя этиш билан иморатларимизни ёнгиндан сақлаб, олов офати билан боғлиқ нохушлиқларнинг олдини олган бўламиз.

Муроджон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Юнескод туман ИИБ ЁХБ
инспектори, кичик сержант.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятдан

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Ахборот хизмати ташкил этилганидан буён ОАВ билан мустақкам ҳамкорликни таъминлаб, мазкур тизим фаолияти ҳамда ўтказилаётган тadbирлар ҳақида кенг жамоатчиликка етказишда фаол ҳисса қўшиб келмоқда.

Хизмат кўмагида ўтган олти ой давомида тизимда олиб бориладиган ишлар, ўтказилган тadbирлар тўғрисида матбуотда 100 тадан ортиқ мақолалар ёритилди. 40 га яқин радиоэшиттиришлар тайёрланиб, 20 га яқин курсатув ва лавҳалар эфирга узатилди. 70 тадан зиёд мақола ва янгиликлар www.wcu.uz веб-саҳифасига жойлаштирилди.

Яқинда ўтказилган «Эзгулик элчиларига эҳтиром» номли маърифий тadbирда республика Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ёритишда яқиндан ёрдам берган теле ва радиоканаллар, ахборот агентликлари, веб-саҳифалар, газета ва журналларнинг жонқуяр ходимлари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг махсус ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси БМТнинг «Аҳолишунослик» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ёшлар ижод саройи»да Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган ҳамда 12 август — Халқаро ёшлар куни муносабати билан «Муҳаббатим сенга, она Ватаним» номли байрам тadbирини ўтказди.

Тadbир доирасида турли бадийий мусиқий дастурлар намойиши билан бир қаторда 2014-2015 ўқув йилида олий ўқув юрталарига имтиёзли қабул қилинган совриндорлар қўтланди. Шунингдек, спорт соҳасидаги ютуқлари учун совриндорликка муносиб кўрилган қизлар иштирокида «Ҳаётим бегази, жононхон спорт!» мавзусида ютуқлар кўрғазмаси тақдими (медаллари, кубоклари ва дипломлари) намойиш этилди.

Истиқлол тенгдоши бўлган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларини қутлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонава иштирок этди.

Нигора АЛИШЕР қизи,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Тарғибот

САБОҚ

Бўка туманидаги Кўкорол қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган тadbирда одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари мавзусида яратилган «Адашганлар қисмати» фильми намойиш этилди. Мазкур фильмда кўп пул топиш ва бойлик илнинида ўз юртидан узокқа, яъни хорижга кетиб одам савдоси исканжасига тушиб қолганларнинг аччиқ қисмати акс этган.

«Маҳалла» жамоат фонди, туман ИИБ вакиллари, маҳалла фаоллари, табибей хотимлари, мактаб, коллеж ўқувчилари оналар иштирок этган ушбу тadbирда фильм намойишидан сўнг жонли мулоқот ўтказилиб, йилгиланлар мавзу юзасидан қизгин фикрлашди.

— Ушбу фильмдаги аянчи манзаралар, ака-укаларнинг фожеали кечмиши ҳар қандай инсонни ўйлантиради, сабаби, бу воқеалар тўқима эмас, — дейди **Кўкорол қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурусул Бўсинов**. — Ўз юртида ҳалол меҳнат қилиб, оиласи билан тинч-хотиржам, соғ-саломат бўлиб яшашга нима етсин? Ҳеч кимнинг юқоридаги каби ачинарли ҳолга тушиб қолмаслигида оиладаги маънавий муҳитнинг ўрни катта, маҳалланинг таъсирчан аҳамияти бор, ён-атрофдагиларнинг бир-бирига бепарво бўлмаслиги яна бир муҳим жиҳат.

Нигора ЎРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Дилшода ХАЙДАРОВА,

Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси:

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИДА ЯШАЯМИЗ

Мустақиллик йилларида мухтарам Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлашга, уларнинг салоҳиятини юксалтиришга, жамиятдаги ижтимоий фаоллигини, маънавий-маданий ҳаётдаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун жамиятимизда рўй бераётган улкан юксалиш ҳамда тараққиёт босқичларини кўриб, гувоҳи бўлган ҳар бир инсон борки, истиқлолга шукрона айтади, қисқа муддат ичида барча соҳаларда эришилган ютуқларни таҳлил қилиб, руҳланади.

Хотин-қизларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик билан шуғулланишлари, маданий ҳордиқ олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Яхшиси, жонли ҳаётини мисолларга мурожаат этайлик: вилоятимизда биргина хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун 2013 йилда 13 млрд. 423 млн. сўм миқдориде кредитлар ажратилди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида бу кўрсаткич 8 млрд.18 млн. сўмни ташкил этди.

Коллежларни битирган 430 нафар қизнинг бизнес лойиҳалари маъқулланиб, улардан 193 нафари кредит олиб, ўзларининг мустақил иш фаолиятини бошлади. Қолаверса, коллеж битирувчиларига 1 млрд. 221 млн. 500 минг сўм миқдориде кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Бундай имконият ва имтиёзлар вилоятимизда яшаётган ишбилармон хотин-қизларга жуда қўл келмоқда. Бугунги кунда саноат, маиший хизмат, савдо ва бошқа йўналишларда 5386 нафардан зиёд аёлларимиз тадбиркорлик фаолиятини олиб боришмоқда. 382 нафар фермер аёл жойларда аҳолини, айниқса хотин-қизларни иш билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аёлларимиз ҳам яққа ва оилавий тадбиркорлик асосида корхоналар ташкил этиб, янги иш ўринлари яратишмоқда. Биргина мисол, Боёвут туманидаги "Олмазор" маҳалласида истиқомат қилаётган Кумри опа Раҳмонова келини Гулсарахон билан икки йил аввал банкдан 10 млн. сўмлик кредит олиб "Omad hamkor tex" корхонаси фаолиятини йўлга қўйган ва маҳалланинг 10 нафар қизларини иш билан таъминлаган эди. Гулсара Раҳмонова шу кунларда яна 39 млн. сўмлик кредит олиб, корхона ишини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Бундан ташқари шу туманда ўзига бириктирилган томорқадан унумли фойдаланиб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётган аёлларимиз сони йил сайин ошиб бормоқда. "Бобоюрт" маҳалласида умргузаронлик қилаётган Насибали аядан ер билан тиллашишни, она заминга меҳр-муҳаббат қўйишни ўрганган келини Меҳрихон Гулмуродова томорқасидан йилгига тўрт мартагача ҳосил олмамоқда. Янгиерлик Инобат Обидова шахар четидеги қаровсиз ётган ерда ярат-

ган боғни кўрган одамнинг кўзи қувнади.

Мирзаобод тумани "Тинчлик" маҳалласида яшаётган Суксур опа Бекқулваннинг тўрт нафар келини – Матлубахон, Раънохон, Нафиса ва Дилобар ўтган йили 3 млн. 600 минг сўм миқдориде кредит олиб, тикув-

Дилшода Сулоповна Хайдарова Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка йўналиштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ҳаётга татбиқ этишда самарали меҳнат қилиб келаётган фаолиятчиларимиздан бири.

Оилали. Турмуш ўртоғи Алишер Саидқулов инженер-механик. Қизлари — Гулчеҳра Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тавомлаган, Мадинабону 3-синф ўқувчиси. Невараси жаажжи Азизбек оиланинг чин маънадаги қувончи.

чилик цехи ишини йўлга қўйишди. Аҳил ва ҳамжихат овсинлар айна пайтда йигирмадан зиёд қизларга тикувчилик сирларини ўргатишмоқда. Вилоятимиз хотин-қизлари ҳаётидан бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Жаннатмонанд ўлкамизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишларнинг юксак самарасини ҳар бир оиладаги кут-барак ва фаровонликда кўриш мумкин.

Қизларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугун бизнинг олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Уларнинг озода, саранжом-сарийшта, миллий урф-одатларимизга муносиб бўлиб ўсишлари мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан барча таълим муассасаларида "Ораста қизлар" тўғарақларида ташкил этилди. 2013 йилда "Ораста қизлар" танловининг республика босқичида вилоятимиз қизлари 2-ўринни эгаллашди. Маҳаллаларимизда эса "Ораста қизлар" давралари фаолият олиб бормоқда. "Оммавий маданият" нибоби остида четдан кириб келаётган ёт урф-одатлардан, гарб ва бошқа маданиятлар таъсирини қўшишдан қизларимизни асрашимизда, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва эрта никоҳнинг олдини олишимизда мазкур тўғарақ ва давраларнинг ўрни жуда катта бўляпти.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан айна пайтда



Дилшода Сулоповна Хайдарова Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка йўналиштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ҳаётга татбиқ этишда самарали меҳнат қилиб келаётган фаолиятчиларимиздан бири.

боғчаларда "Зумрадоилар давраси" иши йўлга қўйилди. "Болаликдан берилган билим тошга ўйилган нақшдир", деган гап бежиз айтилмаган. Қизалоқларга миллий урф-одатларимиз, катталарга ҳурмат, меҳнат-севарлик, муомала маданияти, саранжом-сарийшталик, гигиена қоидалари турли ўйинлар ва саҳналаштирилган томошалар кўринишида ўргатиб бориляпти.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури, Президентимиз фармонлари ва ҳукуватимиз қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб вилоятимизда оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, хонадонларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида иш олиб боряпмиз. Замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Қишлоқларимиз аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиб бораётгани, бир-биридан кўрақ уй-жойлари билан шаҳарларга тенглашиб бормоқда. Намунали лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларимиз эса маҳаллаларимиз кўрмига кўркўшмоқда. Вилоятимизда 2012 йилда 210 та хонадон, 2013 йилда 279 та хонадон мана шундай лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларга кўчиб киришди. Жорий йилда ҳам бу иш изчил давом этмоқда.

Нуроний давом ва онахонларимиз бугунги дорилмон кунларимиз учун шукроналар айтиб, ёшларга обод ва фаровон ҳаётимизни қадрлашимиз кераклигини қайта-қайта

ўқтиришади. Аммо айрим ҳолларда фарзандлар келажакка енгил назар билан қараётган ота-оналарга ҳам дуч келяпмиз. Мен фаолиятим давомида болаларни кўп қузатганман. Ота-онаси бор, тўқис ва бутун оила фарзандларининг кўзлари чақнаб туради, бурро-бурро гапирлади. Оиласида кемтиклик бўлган болаларнинг эса қалбидеги оғриқ кўзларидеги мунда аксланади. Турмуш қуриб, фарзандлик бўлган ҳар бир инсон болалар учун масъул эканини унутмаслиги керак.

Янги қурилган оила мустаҳкамланиб олгунча, келин-куёв оилада ўз ўрнини топгунча юзага келадиган кичик-кичик муаммоларни катталаштирмай, ечимини топиш керак. Ёш оилани асраб қолишда келин-қизларимизнинг ота-онаси, қайнона, қайнатасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўртада фарзандларимиз, эртаимиз эгаларининг тақдири турган экан, оилани асрашга ҳар биримиз масъулмиз. Болаларимизни оиладаги кемтикликларсиз вояга етказиб, давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан фойдаланишларига, илм олиб, ҳаётда ўз ўрнини топишларига йўл очишимиз лозим. Тан бериш керак, бугунги болалар кечаги, 15-20 йил аввалги авлоддан ҳар жиҳатдан фарқланади. Асосийси, уларнинг ўқиши, билим олиши, ўз истеъдодини намойиш этиши учун барча шароитлар яратиб берилган. Бугунгидек замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган мактаб, коллеж ва лицейлар, у ердаги спорт залларини кўриб, бугунги ёшларга чин маънода ҳавас қиламиз. Биргина 12 йиллик мажбурий таълим тизимини олайлик, бундай имконият бошқа бирор мамлакатда йўқ.

Спорт билан шуғулланаётган фарзандларимизга барча шароитлар яратилган. Уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларини ўтказиш учун ҳукуватимиз томонидан ҳар йили жуда катта маблағ ажратилади. Чин маънода баркамоллик байрамга айланиб бораётган бундай беллашу ва мусобақалар ҳар қандай кишини ҳаяжонга, ҳайратга солади, беихтиёр шундай озод ва обод Ватанда яшаётганиндондан фахрланасан.

Эътироф этайлик, ёшларимиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлсалар, давлат томонидан кредитлар ажратилмоқда. Ёш оилалар учун кредит асосида уй-жойлар, рўзгор анжомлари берилмоқда. Ўқийман деса, таълим кредити бор. Институтларда бир қанча имтиёзли стипендиялар жорий этилган. Шу маънода биз ҳам вилоятимиздаги аълочи мактаб ўқувчиларига вилоят ҳокимининг махсус стипендиясини таъсис этганмиз.

Бир сўз билан айтганда, бугуннинг ёшлари улкан имкониятлар мамлакатиде яшамоқда. Бу замин шундай саховатлики, ҳалол ва тўғри ишлаб, умр кечирмоқни орзу қилган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Бунинг учун энг аввало, шу олтин туپроқни севиш керак, фидойи бўлиш керак.

**"Оила ва жамият" муҳбири
Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА
ёзиб олди.**

*Ушбу лойиҳа Ўзбекистон
Хотин-қизлар қўмитаси билан
ҳамкорликда тайёрланди.*

ҚЎҒИРЧОҚМИ ЁКИ... ҚИЗЧА?!

Юртимизда йил давомида тўй-томошалар тинмайди. Тўйхоналар эрта тондан ярим тунгача гавжум: “Наҳор оши” дейсизми, “Куда чақирди” ёки “Никоҳ тўйи”ми, хуллас, ўнлаб номлардаги базму жамшидлар ўтказилaverади.

Яқинда ана шундай ҳашаматли тўйхоналардан бирида ўзим гувоҳи бўлган ачинарли воқеа ҳақида сўз юритмоқчиман. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Бундай мўл-кўлчилик рамзи бўлган чиройли столлар атрофида башанг кийинган, безанган беш юз чоғли меҳмон яйраб ўтирар, гоҳо даврани қизитиб рақсга тушаётган қизлар томонга занжирдек тизилиб бораётганлар эса пул қистириварди. Тўйларда юз-кўзи қотган кўшиқчи йигит бўлса

ган жойларида қарсақка жўр бўлишарди. Бундан жунбушга келган йигит “қўғирчоқ”ни бирдан юқорида, боши узра тўхтатар ва бир қўлида, кафтларида тикка ҳолатида ушлаб турар, бир дақиқа унинг қўлида қотган қизча галати қалтирар, елкаларини пириллатар, сочлари тўзгиб кетган бошчасини ўннга, чапга силтарди. Қалтираётган “қўғирчоқ”ни йигит бирдан яна тўйхона деразасидан отиб чиқариб юбораётгандек қаттиқ силтар, одамлар “у-в-в”и остида яна уни чириллатиб айлантиришга тушарди...

Бундай усул ва қалтир ҳаракатлари билан йигит тўйхонада ўтирганлар а р - н и н г

нимдек, қўғирчоқ эмас... балки менинг кичик неварам тенги, ё уч ёш, ё уч ярим ёшлардаги ориққина қизча эди! У ўйнайвериб зўриққанидан қип-қизариб кетган, ҳаво етишмаётганидан бурун парракчалари керилиб-керилиб кетар, қўллари, оёқчалари дириллаб қалтирар, сунъий матодан тикилган қип-қизил либосчаси жикқа ҳўл, ориқ баданига ёпишиб қолган эди...

Қизчанинг олдида, стул ёнида туриб, мусиқага монанд равишда тинмай қарсақ чалаётган “масхарабоз”га разм соламан. Унинг кўзларида маъно йўқ, атрофдагиларга бефарқ, омманинг нигоҳлари таъсирида қотиб қолган ўнг юзида тиртиги бор, нигоҳлари пул узатаётган қўлларга қаратилган эди. Бирдан жаҳлим чиқиб кетди,

унга пул узатиб, қўл чўзаётган маст-аластлар, раҳмлари келиб зимдан қараб турган хотин-халажлару катта ёшдагилар ҳам кўз ўнгимдан кетмади ва ёнгинадаги кишининг “Мен бу одамни билман, илгари бир ўғил болачани худди шундай усулда ўйнатиб юрарди, қайсидир тўйда ўлдириб қўйган, деб эшитувдим” деган гапларини эшитиб даҳшатга тушдим.

Наҳот инсон ўз фарзанди (?) ни бойлик илинжида шундай шафқатсиз қийнаса, миттигина жонини бир оддий қўғирчоқ мисол топтаса?! Ишонасизми, ўшанда мен бу қизчанинг аянчли ҳолатини кўриб, минг бир хаёлларга ҳам бордим. Ким билади, балки ҳалиги каззоб беғуноҳ қизалоқни бирор баритош ота ёки онадан ўз “бизнес”и учун соатбай, кунбай пул тўлаб, ижарага олган бўлса-чи? Қизчанинг нозик танаси, бошчаси, қўлчалари, ҳали етилмаган бўгин пайчалари, юракчаси, ички органлари, нафс омбурисида маҳкам қисилиб турган оёқчалари, ҳали бу оламда кирдикорликларни буткул англамаган бошчаси бундай чириллаб айлантиришларга яна қанча муддат чидаш бера оларкин?..

Уйимга қайтаюпману барибир журъатсизлигим учун ўзимни кечиролмадим. Негаки, пул топиш илинжида ҳар қандай разилликдан қайтмайдиған ўша пасткаш кимсани гирибонидан бўғиб бўлса-да, инсофга чақирив, керак бўлса, унинг кимлигини аниқлаш қийин эмасди-ку! Хўш, мен-ку иродасизлик қилдим, каттақон тўйхонада ўтирган бошқалар-чи, нега улар ҳам томошабинлик қилишди? Ахир, меҳмонлар орасида ўзим танийдиган боғча мудирлари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, тиб-биётчилар, ҳатто масъул кишилар ҳам бор эди-ку! Нега улар қарсақ чалишдан нарига ўтишмади? Яна, ўша андиша курғур панд берди, биронинг яхши тўйида ёмон бўлиб қолишдан тийилдик, тўғрими? Энди оқибати не бўлади?

“Улар бошқа тўйхонага кетишди. Қизча авваллари йиғларди, энди анча кўникиб қолибди!” — бу сўзлар юрагимни тешиб ўтди! Ва беихтиёр Жиззах шаҳри ва шаҳар атрофида қурилган, 40 километрча радиусдаги 400 тадан 800 тагача одамларни бағрига сиғдира оладиган ўнлаб серхашам тўйхоналарни бирма-бир кўз олдимга келтирдим: “Висол”, “Наврўз”, “Бўстон”, “Само”, “Нурли кўёш”, “Қатортол”, “Кумри она”, “Нур”, “Бек”, “Мўъжиза”, “Диффуза”, “Табаррук”, “Ўзбегим”, “Асрор бобо”, “Зокир ота”, “Замин”...

Шўрлик “қўғирчоқ” қизча бу тўйхоналарнинг қай бирида яна чирпирак бўлиб айланаётган экан?

Умарқул ЭҒАМОВ,
Жиззах вилояти.



ОСОРИ АТИҚА ВА АСАР — тилимизда “осор” сўзи асосан “осори атиқа” бирикмасида келиб, бу бирикма “ёдгорликлар” маъносини англатади. Ундаги “атиқа” сўзи “антика”, “антик” сўзларининг ўзгарган шакли бўлиб, “қадимги” деган маънога эга. Хўш, бу бирикмадаги “осор” сўзи қандай пайдо бўлган? Ўзбек тилининг этимологик луғати да изоҳланишича, “осор” сўзи тилимизда фаол қўлланадиган “асар” сўзининг кўплигидир. “Асар” сўзининг туб илдизи эса, “таъсир қилди” деган мазмунни ифодалаган. Демак, “асар”, “осор”, “таъсир” ва “таассурот” сўзлари асли битта илдиздан ўсиб чиқиб, уларнинг туб маъноси бир хилдир.

Осори атиқалари мизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Газетадан

НАЗМ — тилимизда “шеърят” маъносини англатган “назм” сўзининг туб илдизи “дурни игга терди” деган маънони англатган. Дарҳақиқат, шеър сўзларни дурдай игга териш каби қатъий тартибга амал қиладиган нозик санъатдир. Тилимиздаги “Нозим”, “Нозима”, “Интизом” сўзлари ҳам шу сўздан ўсиб чиққан.

Назм анга гулшанда очилмоғлиги, Наср қаро ерга сочилмоғлиги.
Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул аброр” достонининг “Сўз таърифида” бобидан.

ТАМАЛ — тилимизда “негиз”, “асос”, “пойдевор” маъноларини англатган “тамал” сўзининг туб илдизи “доимо”, “хамиша”, “чидам”, “бардош” деган маъноларни билдирган. Тилимиздаги “тамал тоши” ибораси ҳам шундан келиб чиқиб, “пойдевор”, “асос” мазмунини ифодалайди. “Тамал тоши” ибораси ҳам шу мазмундан келиб чиқиб, пайдо бўлган.

Ҳақиқат тамални кулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ керак.

Ойбекнинг “Навой” романидан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.



шўх-шўх қўшиқ-яллаларни бир-бирига улаб куйлашдан тўхтамас, даврани тўлдирган ёш йигит-қизлар ҳам гир-гир айланиб ўйнарди.

Бир маҳал саҳна ўртасида бир йигит қип-қизил либос кийдирилган “қўғирчоқ” қизчани оёқчаларининг тўпигидан сиқиб ушлаб, ўз боши узра чир айлантириётганига кўзим тушди. Тўладан келган, бакуват йигитча “қўғирчоқ”ни шунчалик тез айлантирардики, кўз илгамас даражада куч билан ҳар силтаганида худди вертолётнинг паррагидек чир-чир айланарди. Юқорига кўтарилганда тўйхона ўртасига илинган қандилча, пастга тушганда тўйхона полига унинг боши тегай-тегай деб кетарди. “Қўғирчоқ”нинг сочлари қўқиб, юз-кўзлари кўринмас, куч билан уни юқорига, пастга ҳар силтаганида ингичка, кишини ўртаб юборгудек қичқириқ овози ҳам чиқарди. Бу галати томошанинг атрофида давра ҳосил қилиб ўйнаётганлар ҳам қизча билан бирга қичқиришар, бу бақириқлар тўйда ўтирганларга ҳам таъсир қилиб, улар ҳам ўтир-

хаммасини ўзига қаратиб олганди. Энди у ўз “ўйинчоғи”ни бир қўлида кўтарганча, ҳар бир стол атрофида ўн-ўнтадан бўлиб ўтирган меҳмонларга яқинлашди. “Қўғирчоқ” икки қўлчасини силтаб, бошчасини қалтиратиб, кўзларини пирпиратиб ўтирганларга муқом қилар, барча ўтирганлар бу чидамли, кўркмас қизчага пуллар узатишарди. Унинг қўлларида дастанланган пулларни ҳалиги нухса бошқа столга ўтиш арафасида илдамлик билан чўнтагига тикарди. Баъзи ичиб олган йигитлар минг, икки минг, беш минг-таликлари “қўғирчоқ қизча”га узатиб, айримлари унинг юз-кўзларидан ўпиб, кучиб қўйиб юборишарди. Ниҳоят, гаройиб томоша тугаб, ҳалиги одам, қўллари толиб кетган эканми, менинг ёнимда бўш турган стулга “қўғирчоқ”ни қўйди-да, дастурхондан ул-бул нарсая бошлади. Мен бўлсам, ҳамон қалтираётган, паталак сочили бошини силтаётган жонсиз деб ўйлаганим қизчага ҳхшилаб разм соламану қотиб қолдим! У аслида, мен ўйлага-

йигитга энди “Ҳой, ноинсоф, бу нима қилганинг, ҳеч бўлмаса шу мурғак гўдакка раҳминг келсин!” дея оғиз жуфтлаганимча, у ёнимда ўтирган меҳмон тутқазган пулни чаққонлик билан олган қизчани кўтариб, бошқа дарага ўтиб кетди. Кайфиятим бузилди, отилиб ташқарига чиқдим. Шу пайтда навбатни шогирдига бериб, ёнимда турган ҳофиздан, “Биродар, ҳалиги қизчани ўйнатган ким, у ҳам сизлар билан биргами?” деб сўрадим. “Йўқ, билмайман, қайси тўйга борсак, осмондан тушгандек пайдо бўлиб қолади, унинг дарди пул ишлаш, ҳозир бошқа тўйхонага кетди”, деб жавоб берди. Сўхбатимизни эшитиб, сигарет чекиб турган йигит: “Э, нимасини айтасиз, ака, мен уларни кўп тўйларда кўрганман, қизча авваллари йиғларди, энди анча кўникиб қолибди”, деди...

То тўй тугагунча шўх мусиқага мажбуран елкаларини пириллатаётган, кўзи жавдираганча бошчасини силтаётган, оёқ-қўлларини қалтиратаётган қизча ва

БИРИ ҚОШ, БИРИ КЎЗ

бўлиб умргузаронлик қилаётган отахон ва онахонларнинг ҳаётини сабоқлари хусусида

Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Янги Себзор маҳалласида яшовчи Фотима ая Раҳимова бу йил 78 ёши, умр йўлдоши Сайидали ота Икромов эса 79 ёшни қаршиляпти. Умрининг ҳар бир дақиқасини ганимат биладиган, атрофидагиларга яхшилик қилиб яшайдиган, доим ширин сўзли Фотима ая тумандаги 9-шифохонада қирқ йил ҳамшира бўлиб ишлаган. Сайидали ота билан икки ўғил, уч қизни тарбиялаб, уйли-жойли қилдилар.

— Тарбияда меъёр бўлса, ота-она кўзлаган ниятига етади. Болани ўта эркин қўйиб ёки ҳамма нарсадан чеклаб, сиқувга олиб бўлмайди, — дейди онахон. — Болаларим кичкинтойлик даврида кўчада бир соатдан ортиқ ўйнашларига руҳсат бермасдим. Синфдош ўртоқлари ёки дўгоналари тугилган кунларига тақлиф этишса, қўлига совгани берардим-да, табриклаб, дарров уйга қайтишини тайинлардим. Ўғилларим оқшом пайти соат тўққиздан кейин кўчада юришмасди. Саида қизим бўш қолди дегунча қўлига тўқиш олса, Шохиди тикув машинасини гириллатиб, нимадир тикиб ўтирарди. Айрим ота-оналар болаларининг кўнглига қараб ўстиришади. Истаган нарчасини олиб беришади. Отаси иккимиз фарзандларимизга эҳтижидан ортиқ пул бермасдик, улар ҳам шунга қаноат қилишарди. Эсимда, ҳар куни эрталаб катта ўғлим бозорга тушиб, уч литр сут олиб келар, қайтишини чўнтагига урмай, музлаткичнинг устига қўярди. Ўша пуллар ҳам бир кун келиб қоримизга ярарди. Шундай қилиб, болаларимни пулни тежаб-тергаб ишлаштига ўргатдим. Иккита келиним билан ўн йил беш хонали квартирада бирга яшадик. Бирида уч, иккинчисида икки нафар бола бор. Катта ўғлим билан келинимни ёнимга ўтказиб, “Топган-тутган пулларининг ортиқча ҳой-ҳавасга сарфламай йиғиб, уй олишга ҳаракат қилинлар, рўзгорнинг кам-кўстини уканг тўлдирадиди”, дедим. Маслаҳатимга амал қилиб, алоҳида уй олиб, кўчиб ўтишди. Ота-она режали бўлиши, фарзандларининг келгуси ҳаётини ҳам ўйлаши керак. Болаларига берган маслаҳатларига ўзлари ҳам амал қилсалар, фар-



зандлари ҳам уларнинг ортидан эргашади.

Бир танишим ёшлиқда ўз тинчини кўзлаб, кайфу сафодан ортмай юрарди. Энди эса икки ўғли уй талашиб, бир-бирлари билан уришиб-жанжаллашиб юрибди. Ана шундай аҳволга тушмаслик учун ҳам болалар тарбиясида масъулиятли бўлиш керак.

— Тўрт ёшимда отамдан етим қолиб, ҳаётда кўп қийналганман, — дейди Сайидали ота ёшлик йилларини хотирлаб. — Онам раҳматли бизларни боқишга қийналиб, болалар уйига берган экан. Бу жой ҳовлимизга яқин жойда бўлгани учун ҳар куни кечаси уйимизнинг томини томоша қилиб, сўнг ухлагга ётардим. 16 ёшга тўлганимдан сўнг касб-хунар эгаси бўлгач, уйга онамининг бағрига қайтганман. Қийинчилик кўриб ўсганим учун, болалар тарбиясига жиддий ёндашдим. Топган пулимни кўча-кўйда сарфламай, аёлимнинг қўлига топширардим. Ҳар ой рўзгорга кетадиган сарф-харажатни олдиндан режа-лаб, ёзиб, деворга илиб қўярди. Маошимнинг ярмини рўзгорга ишлатиб, қолганини йиғиб қўярди. Шундай қилиб болаларни ўқитдик, уйли-жойли қилдик.

Фотима аянинг хонадонидagi тар-

Ораминдаги одамлар

тиб-интизому саранжом-саришталикни кўрган кўшни аёллар унга ҳавас қилиб: “Хўжайинингиз тилла одамда”, дейишаркан. Эракнинг “тилла” бўлишига аёлнинг меҳри-муҳаббатю, самимий муносабати сабабчи эмасми?! Сайидали отанинг қон босими ошиб, салгина кайфияти тушиб кетса, ая дарров қўлига дафтарини олади-да, унга атаб ёзган шеърларини ўқиб беради. Эллик йиллик ёстиқдоши ҳеч қандай дори-дармонсиз тузалиб ҳам қолади. Кампирининг илик сўзи, меҳридан ийиб кетган ота ичида шукрона келтиради-ю, касалликни тамоман унутади.

Сўз — жон озиғи, деб бежиз айтилмаган. Фотима ая бир нимадан хафа бўлган келинларини ҳам ширин сўзи, шеърлари билан юпатиб, йўлга соладилар. Қайнонадан ибрат олган кенжа келини Зулфияхон ҳам ўз келини Моҳирахоннинг чиройли фазилатларига атаб шеърлар ёза бошлабди.

— Айрим қайноналар келинларининг бетгачонарлигидан нолиб қолишади. Мақтанишга йўймангу, ҳали келинларим бирор марта юзимга қараб каттик сўзлаганини эслолмайман, — дейди Фотима ая. — Ҳамма айб тарбия беришни билмаётган қайноналарда... Арзимаган нарсалардан жанжал келиб чиқади. Мана, бир куни невару келиним нонуштадан сўнг дастурхонда қолган нон увоғининг бир пиёласини ахлат яшигининг ёнида қолдирибди. Буни кўрдим-у, секингина келинимни ёнимга қақирдим. “Айланай қўзим, сизлар тўқлик замонида яшайсизлар. Бу ноннинг ҳар бир ушоғига зор бўлган кунларни кўрганмиз. Нон ушоғига сув тегса оқиб кетади, ахлатга тушса, увол бўлади. Балкондаги дераза раҳига кути қўйганман, шунга ташланг, қушларнинг ризқи”, деб насиҳат қилдим. У ҳам мени тўғри тушунди, жилма-йилбигина “Хўп бўлади, ойижон”, деди. Яхши гап, яхши-да, айланай. Келин ҳам кимнингдир жон дилбанди, уни ўз қизингиздай кўрсангиз, меҳр кўрсатиб, аясангиз, у ҳам сизни ўз онасидай кўриб ардоқлайди.

Фотима ая қаридим, энди оёғимни узатиб ўтираман, дейдиган кексалар тоифасидан эмас. Шу ёшида ҳам маҳалла фуқаролар йиғини биносидан қадами узилмайди. Маҳалла фолларига, ёш қайнона-келинларга ўзининг ҳаётини тажрибаларини ўргатиб, керакли маслаҳатларини беришдан эринмайди. Янги Себзор маҳалласидаги ёш оилаларнинг аҳил-иноқ яшашида Фотима ая ва у каби кўпни кўрган нуроний онахонларнинг хизматлари катта.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Ўқинг, қизиқ...

ПАРҲЕЗ — АЁЛЛАР УЧУН ЭМАСИ?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аёл қанчалик ёш пайтидан парҳез сақлашни бошласа, унинг соғлиги билан боғлиқ муаммолар шунча кўпаяди, ҳатто унда алкоғолизмга мойиллик ҳам пайдо бўлади.

Озиқланишнинг ҳар қандай чекланиши балоғатга етиш давридаги қизлар ва репродуктив ёшдаги аёл-



лар учун мақсадга мувофиқ эмас. Тадқиқотлар натижасига кўра бепуштлиқ касаллигига чалинган аёлларнинг ярми ўзини паст калорияли парҳезда тутишгани маълум бўлган. Ваҳоланки, аёлларнинг репродуктив аъзолари маромида ишлаши учун глюкоза ҳар доим етарлики бўлиши талаб этилади.

ЭНГ НОТОЗА ЖОЙ

Ҳоҷатхона ёки жамоат транспортитутқичи эмас, балки одамнинг...қўли эканлигига ишонасизми?

ИЗОҲ: Олимлар одамнинг қўлларида 10 миллиондан зиёд хавфли бактериялар борлигини аниқлашди. Бу эскалатор, савдо марказлари ва



истироҳат боғларига қўйилган ўриндиқлардагига нисбатан анча кўпроқдир.

Албатта, бундай бактериялар қўлимизда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, улар билан зарарланган жойларга одам қўли текканида “кўниб” олаверади. Шу боис қўлни тез-тез ювиб туриш, айниқса, оқват ейишдан олдин тозалиқ қодаларига қатъий риоя қилиш лозим.

“АиФ” материаллари асосида тайёрланди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеяляж — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

Норматова Омина Пўлатовна номига 29 июнь 1994 йилда Гулистон педагогика билим юрти томонидан берилган №087115 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

25.06.2013 йилда Маҳкамов Зиёдулла Зикруллаевич номига берилган шаҳар йўловчи транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи О'уР №001746-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Баҳорнинг илк кунлари.
Олам гйҳлар ҳидига фарқ бўлган, дала-дашда илик еллар кезинган палла.
Ҳозиргина уйғонган қуёш нурлари қишлоғим кўчаларига ина бошлаганида тонги сукунат бағрини менинг овозим тилиб ўтди:

— **Бойчеча-ак, бойчеча-ак!**

Далага тугаш йўлдан оёғим ерга тегмай чоғиб борарканман, бу хабарни тезроқ ҳаммага етказгим, бу йил баҳор элчисини биринчи бўлиб мен топганимни бутун қишлоққа овоза қилгим келарди. Уч кундан буён шу тантана илинжида тонг ёришиб-ёришмай адир этагидаги дашта чикаман. Йўл-йўлақай дугоналаримга мақтана-мақтана ниҳоят уйга, кўкларнинг бу неъматини ҳаммадан ҳам интиқ кутади-ган меҳрибоним — энамнинг қошига юқиниб келдим.

— Энажон, қаранг, бойчечак! Ҳим биринчи бўлиб топдим.

— Балли қизалогим! Оҳ-оҳ, мунча қиройли! Етказганига шуқр!

Баҳор чечанини у томон қафтимда тутганга узатдим: — Секин, буни ҳали экин-шим керак. Атайлаб пиёзи билан кавлаб олдим.

Энам майин табассум қилиб, бир нима дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, «Тентаккинам-ей! Ҳай майли», деб қўяқолди.

Томоркамизнинг офтобрўй, тупроғи энг майин ерига, эгат лабига бойчечанимни эқдим. Болаларча тасаввуримда унинг учун бундан аъло макон топилмас эди. Гўзал гулим жимжимадор барглари икки томон соллангириб, ажиб лафозат ила бош эгиб турарди. Кўчага ўқдек учдим — буни тезроқ қизларга кўрсатишим керак!

Бир этак болани эргаштириб келганимда бойчечанининг қадди анча эгилиб қолган экан. Буни ташналикка йўйиб, атрофига обдон сув қуйиб тарқалишдик. Тушдан кейин эса... ербағирлаб ётган гулимини кўриб юрагим орқага тортиб кетди.

— Эна, бойчечаним сўлиб қолибди!

Мунисим яна ўша сокин жилмайиш билан бош ирғатди.

— Ҳеч замонда бойчечак томорқада ўсмайди, болам.

— Нега? Ахир мен уни энг юмшоқ, энг...

— Барбир. Сен шундай дейсан, энг зўр жойни топиб эқдим деб ўйлайсан. Аслида бойчечакка даштнинг қароқ тупроғи, тошлар ораси, жазирима елвизча афзал.

— Ййи, нимага?

— Чунки бу — унинг Ватани. Ниҳол бир ерда кўкаради, болам. Ватан — бу энг яхши, роҳатбахш жойгина эмас, сенинг киндик қонинг тўқилган жой. Иссиқми, совуқми, юмшоқми, қаттиқми — ўз жойингда кўкарасан. Дунёдаги жами жонзот шунақа. Бу-ку, бир ниҳол. Одамни Ватандан айирмасин. Энг бахтсиз одам — ватангадо

одам, — дея бироз тин олгач, маҳзун товушда кўшиб қўйди:

— Сайфи тоғанга ўхшаб, илдизи юртида қолиб кетганлар бир умр сарғайиб ўтади...

Энамнинг кўзлари дарров намланди. Доим шунақа, тоғамни гапирди дегунча кўз ёш қиладилар. Охириги сўзларига унчалик эйтибор бермадим, айни пайтда мен учун мутлақ фожиа — гулимининг ҳалок бўлаётгани эди.

Тоғамнинг фожиасини англашим учун эса менга йиллар керак бўлди.

Аслида биз болалар учун Сайфи тоғам билан боғлиқ ҳамма нарса завқли, ёқимли эди. Ёшлигида иш баҳона кўшни давлатга кетиб, ўша ерда қолиб кетган тоғам қишлоғимизга ҳар икки-уч йилда бир бор келар, у келиши билан ҳақиқий байрам бошланиб кетарди. Қариндош-уруғни-ку қўйинг, етти ёз чоғлари келарди. Ҳаммамиз йўлига кўз тутиб юрган саратон кунларининг бири-

— Йўқ. Агар билсанг, анави гадои мендан анча бой. Чунки унинг Ватани бор...

Мен шу тоб энамнинг бойчечак ҳақидаги сўзларини эсладим. Сўнг жимгина унга эргашдим. Машинада кетаётиб эса биринчи марта серсавлат, салобатли тоғамнинг кўзларида ёш кўрдим... Биринчи марта тоғам чиндан ҳам мен ўйлаганчалик бахтиёр эмаслигини англагандек бўлдим.

Орадан анча йиллар ўтди. Тоғам қишлоққа доим ёз чоғлари келарди. Ҳаммамиз йўлига кўз тутиб юрган саратон кунларининг бири-



ди. Кўй сўйилиб, уч кунлаб дастурхонимиз йиғилмасди.

Назаримда Сайфи тоғам дунёдаги энг бахтли одам эди. Чунки қишлоқда ҳеч кимга бу қадар иззат-икром кўрсатилмасди. Тоғамнинг доим силлиқ таралиб турадиган сочи, тугуни бежирим бўйинбоғи, кўйлагининг нафис низикларини ҳайрат билан томоша қилар, хиёл айрича шеvasини тинглаб завқланар эдим. Айниқса, ажнабий хотини ва кўғирчоққа ўхшаш қизини эргаштириб келган кезлари яйраб кетардим. Кизи билан дўстлашай дердим, тилини тушунмасдим.

Бир сафар тоғам туман марказига борадиган бўлиб қолди ва мени бирга олиб кетди. Ўшанда ёдим лавҳидан бир умр ўчмайдиган воқеа рўй берди. Тоғам йўл четида садақа сўраб ўтирган бир тиланчининг олдига йирик пул ташлаб, дуосини

да уйимизга почтачи амаки кириб келди. Унинг рангрўйи бир аҳволда, оёғини аранг судраб босарди.

— Холам қани? — кира солиб сирли бир оҳангда сўради у.

— Ичкаридалар.

Почтачи амаки акамга бир парча қоғозни узатаркан, яна-да паст овозда деди:

— Дилграмом. Тоған... Телеграмма чет тилда ёзилган эди. Ундаги маттни кейинчалик акам таржима қилиб берган ва у менга ёд бўлиб кетган: «Сайфи оламдан ўтди. Бугун дафн қиламиз»...

Сал ўтмай энамнинг фарёдидан қишлоқ ларзага келди. Уйимизда аза бошланди. Майитсиз аза... Мен у пайтда бундайин мусибатнинг нақадар огирлигини англам даражада улғайган эдим. Ўша кунни эсласам, энамнинг: «Боламни опке-

линглар, мени ҳам кўшиб кўминлар!» деган аччиқ нолалари қулоғим остида жараглаб кетади.

Жасадини бу ёққа олиб келишнинг сира иложи йўқ эди. Уч-тўрт эркак жўнаб кетишди, кекса энамни йўлни кўтаролмаслиги боис ташлаб кетдилар. Шўрлик она-изор кўнди, лекин кетаётганларга қаттиқ тайинлаб нола қилди: «Болагинамнинг ёстиги ичида бир сиқим тупроқ бор, ўша халтачани топиб, қабрига сепинглари!». Бу ҳақда она-бола қачон гаплашишган — буниси номаълум, аммо ўша бир сиқим тупроқнинг Ватан тупроғи эканлигини ҳаммамиз билиб турардик...

Энажоним тун бўйи саннаб чиқди: «Ватангадо бўлиб кетган, болам-а, болам-а! Ёт юртларда қолиб кетган, болам-а, болам-а! Кўзинг очик кетгандир-а, вой болам! Чақирсанг эшитмадимми-я! Чулчут болаларинг тилингни тушунмадимми-я! Вой юзлари сариқ болам, вой ризқлари тариқ болам! Дод!!!»

Энамни тонга яқин аранг тинчитишди. Ухлаб қолдилар.

Тонгда эса ҳадеганда уйғонавермагач, ёнига боришга ҳеч кимнинг юраги бетламади чоғи, мени юборишди.

Энамнинг қиёфаси одатдагидан бошқача, юзлари бўғриққан, кўкси тез-тез кўтарилиб-тушарди. Секин елкасини силадим. Бир кечада ич-ичига ботиб кетган кўзлар аста очилди.

— Туринг, энажон, одамлар келишяпти.

— А? Ҳа-а, Сайфини олиб келишдимми?

Йигимни зўрға тийиб, бошимни сараклатдим. Энам «оҳ-ҳ!» деди-да, кўзларини юмиб олди.

— Билардим... Нега илгарироқ хабар беришмади? Елкамда бўлса ҳам олиб келардим боламни! Ҳеч бўлма-са қабри ёнимда бўларди. Ахир етти пуштимиз шу ерга кўмилган. Умри-ку, якка ўтди, энди суяги ҳам якка қоладими?

Кейин менга қия қараб, оҳиста деди:

— Ҳим борамам ёнига.

Йиғлаб чиқиб онамни бошлаб келганимда... энам сўнги нафасини олиб бўлган эканлар...

Шундай қилиб, бошимизга кўш мусибат тушди. Келишнинг кетиши бор, бу фанода ҳеч ким мангу яшамайди. Лекин бу жудолик бошқача эди...

Бир муддат тоғамнинг болалари билан хат-пат ёзишиб турдик, қабрини зиёрат қилиб келдик. Кейин бора-бора, гўё бу табиийдек, узилишиб кетдик. Тоғамни эсласам, кўз олдимда дунёнинг олис пучмоғидаги ёлғиз қабр гавдаланади. Ундан доим нур таралиб турганини кўраман — чунки унда Ватан тупроғи бор...

Гулчехра АСРОНОВА.
Фаргона вилояти.


Буни ҳаёт дейдилар

Биласизми?

ҚАЙСИ ШАРБАТ ҲОЙДАЛИ?

Янги тайёрланган мева ва сабзавот шарбатлари организм учун жуда фойдали. Уни тайёрлашда металл идишлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Чунки металл шарбат таркибидаги кўпгина дармондориларни парчалаб юборади. Шарбатларни тайёрланган заҳоти ичиш мақсадга мувофиқ. Агар у музлаткичда сақланган бўлса, таркибидаги витаминлар микдори камайиб кетади.

● **Олма шарбати** таркибда темир моддаси мўл-кўл бўлгани боис иммунитетни



муштақамлаб, камқонликнинг олдини олади. Танани хиллардан тозалаб, ичак фаолиятини ҳам яхшилайдди. Шунингдек, ўпка касаллигини ҳам даволайди. Кўп чекадиган кишилар олма шарбатидан ичиб туришса, чекишни тез ташлашига ёрдам беради.

● **Нок шарбати** ҳам жуда фойдали бўлиб, айниқса, уни пешоб йўллари шомолаганда, юракни ёғ босганда, қандли диабет ҳамда простатитда истеъмол қилиш тавсия этилади. У иситмани тушириш ва балғам кўчириш хусусиятига эга. Шунингдек, қондаги гемоглобин микдорини кўпайтириб, қалқонсимон безни даволайди.

● **Қовоқ таркибида** темир, цинк, каротин кўп бўлгани туфайли шифобахшлиги жиҳатидан сабзавотлар ичида биринчи ўринда туради, дейиш мумкин. Унинг шарбати айниқса, буйрак, юрак ва жигарида муаммоси бор беморлар учун фойдалидир. Уйқусизликдан азият чекаётганлар уйкуга ётишдан олдин ярим стакан асал қўшилган қовоқ шарбатидан ичса, туни осуда ўтади.

● **Помидор шарбати** эса ичаклардаги ачишиш жараёнини бартараф қилиб, хотирани яхшилайдди. Бу шарбатга туз қўшмай ичилади. Чунки туз помидордаги шарбатнинг шифобахшлик хусусиятини йўқотади. Тузнинг ўрнига саримсоқпиез, булғор қалампир, кўкатлар қўшиш мумкин.

● **Эслатма:** буйрак хасталиги ёки буйрағида тоши бор кишиларга помидор шарбати ичиш тавсия этилмайди.

● **Сабзи ҳамда лавлаги** озиш учун энг фойдали сабзавотлар ҳисобланади. Уларнинг шарбати организмни тозалашга кўмакчи, танадаги ортиқча суюқликни чиқариб ташлаб, ортиқча калорияни йўқотади. Шунинг учун пархезнинг биринчи кунда танада энгил ҳолисизлик сезилади. Бироқ, бундан қўчмаслик керак, бу тезда ўти кетади.

Лафозат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.



«ЭНГ ЯХШИ ТУЯЛАР» ТАНЛОВИ

Бирлашган араб амирликлари пойтахти Абу-Дабида ҳар йили ана шундай тадбир кенг қўламли режа асосида тайёрланади. Танловда голиб чиққан туяларнинг эгалари 4900 дан 8 200 долларгача мукофот пули олишади. Бундан ташқари жами иштирокчилар учун 100 ва ундан ортик автомобиль совринлари



ҳам жорий этилади. Танловда асосан, Бахрайн, Кувайт, Уммон, Қатар ва Саудия Арабистонидан келган туялар иштирок этади.

Тадбир ташкилотчилари мазкур танловни ўтказиш ила қадимий урф-одатлар билан боғлиқ сахро ҳаётининг қимматли аъёналарини сақлаб қолиш ва тарғиб қилишни мақсад қилишган. Ҳакамлар туяларни бир неча турларга бўлган ҳолда уларнинг қонининг тозаллиги, касалликларга чидамлилиги, жиддий нуқсонлари йўқлиги, шунингдек, ранги ва жунларининг юмшоқлигига қараб баҳолайдилар. Ташкилотчиларнинг таъкидлашларича, танлов миллий қадриятларни асрашда ва араб маданиятида муҳим роль ўйнаган туяга бўлган ҳурматни ифодалайди.

ТУРНАЛАР ҚАТОРИ

Баланд осмонда учаётган турналарнинг нима учун айнан бурчак шаклида учуши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Европалик олимлар бунинг сабабини ўрганиб чиқишди ва уларнинг ҳаракати бошқарувчилар ҳамда уларнинг жамоадошларига яхши ўрнак бўлишини эътироф этишди. Тадқиқот натижаларига кўра, турналар олдинда кетаётган қатор бош-



лигига қараб қанотларини бир хилда силкитиб учушади. Бунда ҳар бирининг ортидаги турнага нисбатан ҳавонинг қаршилик кучи камайиб, галанинг ўзаро ҳаракатланиши осонлашади. Одатда ёлғиз учаётган қушга нисбатан турналарнинг бурчак шакли галасидаги учуш қувавати 75 фоизга юқори бўлади. Агар турналарнинг қатор бошлиги чарчагудек бўлса, у сафнинг охирига бораркан ва орқадагиси олдинга чиқиб қаторбоши вазифасини давом эттирар экан.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг” саҳифаси

ТИББИЙ КҮРИКДАН ЎТМАЙ, ПАНД ЕДИ

Қизим Нодиранинг тақдири ҳам “Бахтли бўлинг” саҳифасида чоп этилаётган мухлисларнинг қисмати га яқин бўлгани сабабли сизлардан маслаҳат ва ёрдам сўраб келдим. Нодира олий маълумотли, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Уни қўшни қишлоқда яшовчи Ҳамид исмли йигитга узатгандик. Куёвимнинг кўриниши бинойидек, келишган йигит. Кейин билдик, унинг кутилмаганда ўзидан кетиб қоладиган одати бор экан. Тузалиб кетади, деб ўйлагандик. Афсус, тутқаноқ дарди оғир экан-да.

— Нега тўйдан аввал сўраб-суриштирмадингизлар?

— Э, нимасини айтасиз, синглим, ота-онаси биздан яширган

экан. Ўша пайтда тиббий кўрикдан бирга ўтишни маслаҳат берганимизда куда хола алоҳида ўтаверсин, деб кўнмаганди. Эътиборсизлигимиз жуда қимматга тушди, балки ўшанда жиддийроқ иш тутганимизда, улар ажрашмас, неварам ҳам тирик етим бўлмасди...

— Энди нима қилмоқчисизлар, турмушга чиқишга қизингизнинг ўзи розими?

— Нима қилсин энди, уйдан чиққан қиз, чигирикдан ташқари, дейдилар. Унинг ёши 25 да. Ўғли тўрт ёшга кирди. Ўзининг кўлидан келмайдиган иш йўқ, сариштали, кўнгли очик, бир рўзгорни обод қилишига ишонаман.

КОМИЛА хола,
Қашқадарё вилояти.

КЎЗИМ ҲАМ, ҚУРБИМ ҲАМ ЕТАДИ

Ота-онам бевақт вафот этиб кетишганлари учун Мехрибонлик уйда катта бўлганман. 35 ёшимда Луиза исмли рус аёлига уйлангандим. Бир нафар қизим бор. Бундан уч йил илгари Луиза қизимни олди-ю, Россияга ота-онасининг ёнига жўнаб кетди. Ҳозир ёлғизман. Дардлашадиган, менга суняч бўладиган бир меҳрибоним йўқ. Ёшим 51 да. Уй-жойим ўзимга етарли. Соғломман, спорт билан шуғулланишни қанда қилмайман. Уйлансам, оиламни моддий томондан бемалол таъминлай олишга кўзим ҳам, қурбим ҳам етади. 40 ёшгача бўлган, бирон нафар ўғил ёки қизи бор аёл бўлса, уйланмоқчиман.

АБДУРАШИД,
Тошкент вилояти.

ЖАРОҲАТИ БИТДИ-Ю...

Укам Икромжон оилада ёлғиз ўғил бўлгани учун рўзгорнинг кўпгина ташвиши унинг зиммасида. Отам ёшлигимизда оламдан ўтган. Ёш бўлишига қарамай, ҳалол меҳнат туфайли иккита синглимни турмушга узатди. Унинг бошини иккита қилиш ниятида совчиликка бориб юрган кезларимиз, қутилмаганда фалокат юз берди-ю, барчамиз эсанкираб қолдик. Икромжон маҳалладош йигитлар билан устачилик қилади. Бир хонадонда қурилиш қилаётган, томдан йиқилиб, оёғи қаттиқ жароҳат олибди. Уч ой шифохонада ётиб, даволаниб чиқди. Жароҳати битиб кетган бўлса-да, оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолди. Икромжон ёши 27 да. Ўзи каби бирорта нуқсони бор, уни камситмайдиган қиз бўлса келин қилиш ниятидамыз.

ОМИНА,
Наманган вилояти.

ҚУВОНЧЛИ ХУШҲАБАР

— Алло, “Оила ва жамият” газетасими?

— Марҳамат, сизни эшитамиз.

— Газетанинг 31-сонидаги “Аразчи қуёв” мақоласини ўқиб қолиб, сизларни дуо қилиб ўтирибман. Яна бир оила асраб қолингани мени қувонтирди.

— Қаердан кўнгирик қиялпсиз?

— Сурхондарёдан. Қизим Жаммила бир неча йил илгари бефарзандлик туфайли ажрашган эди. Сизларнинг беминнат кўмагингиз билан Ғайрат исмли, хотини оламдан ўтган, икки болали эркак билан танишиб, турмуш қурган эди. Қизим жуда қисқа муддат ичида меҳрга зор болалар билан чиқишиб кетди. Энди бир кун ҳам бир-бирисиз яшолмай қолишди, илоё, кўз тегмасин. Кеча куёвим билан бизниқига меҳмон бўлиб келишди. Она-бола роса дардлашдик. Мени қувонтиргани, қизим ҳомиладор экан. Бу хабарни эшитиб, кўзларимга севиноч ёшлари келди. Қувончимни сизлар билан баҳам кўриш учун кўнгирик қиялпман, раҳмат сизларга!

— Бахтли бўлишин!

АНОРА опа,
Фаргона вилояти.

ОМОНАТ МУНОСАБАТ

Турмуш ўртоғим автоҳалокат туфайли оламдан ўтгач, икки нафар қизим билан ёлғиз қолдим. Опамнинг қистови билан сурхондарёлик бир бефарзанд аёлга уйландим. Орадан бир ярим йил ўтгач, уни уйимга доимий рўйхатга қўйганимдан сўнг ўзини соддаликка олиб юрган аёл жуда тез ўзгарди-қолди. Ота-онамни кўриб келаман, деб бир ойлаб қилиб кетар, кўнгирик қилсам, соғлигим бўлмаяпти, тузалсам бораман, деб баҳона қиларди. Охирги марта дадамнинг аҳволи оғирлашиб қолбди, деганича икки ой бедарак кетди. Муносабатнинг омонатлиги қизларимнинг руҳиятига ҳам салбий таъсир қила бошлади ва очик тарзда бу аёлни уйимизга келишини хоҳлашмади. Ҳамма ўйин кейин бошланди: мен орани очик қилиш учун унинг ота-онаси билан гаплашдим. Улар ҳам жўялироқ гап айтишмади. Кейин билсам, бу хотин мендан аввал ҳам бир-иккита оилани барбод қилган экан. Хуллас, узоқ можаро, тортишувлардан кейингина расман ажрашдик.

Ёшим 49 да. Ҳайдовчиман, сариштали, уй-жойим дейдиган аёл бўлса, танишиб, оила қурсам, деган мақсадда сизларга мурожаат қиламан, ёрдам беринг.

ТОҲИР,
Тошкент шаҳри.

ЖИЗЗАХДАН БЎЛСАЙДИ...

Газетанинг 22-сонида мен ҳақимда “Ўқиган билан, уқмаган экан” деб номланган мақола чоп этилганидан сўнг, кўплаб қиз-жувонлар кўнгирик қилишди. Сирдарёлик Наима билан бир-биримизга маъқул келиб, тақдиримизни боғлашга аҳд қилгандик. Афсус, отаси совчиларга рад жавобини берди. Самарқанд шаҳрида яшовчи Шохистанинг ота-онаси эса ичкюёв бўлиш шартини қўйишганди, ўзим бунга рози эмаслигимни билдирдим. Хуллас, мен яна сизларга умид ва ишонч билан мактуб йўллабман. Жиззах вилоятида яшовчи ўз тенгини кутиб яшаётган қизлар бўлса, тахририятга хабар йўлласин.

ОТАБЕК,
Жиззах вилояти.

“ЧИДАСА БЎЛАДИ”

Улар учрашиб қолишди.

— Келин туширибсиз деб эшитдим, куллуқ бўлсин!

— Куллуқ, куллуқ, Битта ўғлим бор, қанақа келин тушаркин, деб ўйлаганим ўйлаган эди. Худога шукр, кўнглимдагиси учради, бирам абжирки, асти кўяверасиз. Ҳамма ишни кўлимдан олди, пиширган овқатининг мазаси оғзингиздан кетмайди. Каллайи сахарлаб туриб ховлини, кўчаларни сув сеипи супурган, нонушта тайёрлаган. Фаҳм-фаросатини айтмайсизми, ишга кетаётсам: “Яхши бориб келинг, ойижон”, деб кўчага кузатиб кўяди. Ишдан қайтсам: “Яхши келингизми, ойижон?”, деб сумкамни олади, туфлини артади, кўлимни совуқ сувга урдирмайди. Қизларимга: “Ҳаммангни сотиб келинимга едираман”, дейман ҳазиллабди. Ишим чорпоёда ўтириб ўзимни елпиш бўлиб қолди...

Орадан бир йил ўтиб, улар яна учрашиб қолишди.

— Яхши юрибсизми, келин қандай, хизматингизни қиялпими?

Унинг овози зўрга эшитилди:
— Чидаса бўлади...**БУЛУТ**

Унинг юзи шунчалик тундқи, гўё бутун оламни булут қоплаб олгандай юрагингиз сиқилади. Юз ёшнинг остонасига бориб, кўзлари ожизлашиб, кулоқлари оғирлашиб қолган қайнонасини йўқлаб келганларга ақалли ёлгондан бўлсаям жилмаймайди. Кампир тезроқ бандаликин бажо келтирса-ю, ташвишидан халос бўлса. Тунд башарадан боқиб турган икки кўзи кампирнинг ўлимини соғиниб кутаётганини фош этиб турибди.

Яхшиямки, шўрлик кампирнинг кўзлари кўр — келинининг буришган афтини кўрмайди. Яхшиямки, кампирнинг кулоқлари кар — келинининг бир коса овқатни тарақлатиб қўйиб кетганини эшитмайди.

АКСИОМА

Унинг нафси шунчалик ҳакалак отганки, кун келиб ўзини-ўзи еб қўйиши ҳеч гап эмас.

**Ойна****ЎЗИ**

Эҳ-ҳе... Унинг атрофидан кимлар парвона бўлмади: кампири, ўғил-қизлари, келинлари... Бири келмай бошқаси кетмади. Туну кун навбатчиликда туришди, ёлғизлатишмади. Нима демокчи эканини юз ифодасиданоқ билишди. Айтганини муҳайё қилишди. Ҳеч ким миннат қилмади, ҳамма хизмат қилди...

Бундай толе тўшақда михланиб қолган ҳар бир кишига ҳам насиб этавермайди.

У шукр қилади... Шукр қилади-ю, барибир юрагини армон ўртайди. Ҳамма унга хизмат қилсаям, ҳамма атрофида гирдикапалак бўлсаям, оқ ювиб оқ тарасаям, бирови қўл, бошқаси оёқ бўлсаям — ҳеч ким ЎЗИ бўла олмастлигини аллақачон англаб етган.

Лола УРОҚОВА

**ҚАРИНДОШЛАРНИНГ
АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТИ**

Бир йил аввал турмуш ўртоғим билан қонуний ажрашдик. Фарзандим менинг қарамоғимда қолди. Собиқ эрим боламга алимент тўлашдан бош торъяпти. Мен унинг қариндошлари ва бошқа тегишли шахслардан алимент талаб қилишим мумкинми? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Б. Азизова,
Косонсой тумани.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига мувофиқ, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238¹ ва 238²-моддаларига мувофиқ, алимент ундириш тўғрисидаги низо-сиз талаб тегишли фуқаролик ишлари бўйича туман (туманлараро, шаҳар) судлари томонидан буйруқ тартибда (соддалаштирилган тартибда) кўриб чиқилади. Фарзанд таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати Суд департаменти органларига (қарздор яшаш жойидаги Суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимига) тақдим этилган тақдирда, унинг ижроси мажбурий тартибда амалга оширилади.

Шу билан бирга, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортқ муддат мобайнида тўламаслик айбдор шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шунингдек, зарурат туғилганда, бошқа шахслар томонидан ҳам алимент мажбуриятлари бажарилишига доир қонуний тартиблар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 123-моддасига асосан, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда Оила кодексининг 129-моддасига кўра, қариндошлар ва бошқа шахслардан вояга етмаган болалар учун ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент ундириладиган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ва оилавий аҳолини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Саволга Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бош инспектори Насимхон БУРҲАНОВ жавоб берди.

**ФАРЗАНДЛИККА
БЕРГАН ЭДИК...**

Фарзандимизни қайнотам ва қайнонамга фарзандликка берган эдик, лекин боламиз биз билан яшяпти, унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини ўз номимизга қайта расмийлаштирсак бўладими?

С.Махкамова,
Нукус шаҳри.

Фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибда йўл қўйилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади. Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориш шарт.

**ОТАЛИКНИ
БЕЛГИЛАТСАМ
БЎЛАДИМИ?**

Рафикам билан икки йилдан буён бирга яшяпмиз. Яқинда фарзандли бўлдим, лекин боламнинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда туради, ажрашмаган, боламни ўз номимга олиб оталикни белгилатсам бўладими?

А. Мурадов,
Тўртқўл тумани.

Агар боланинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага никоҳда турган эрнинг у билан қонуний никоҳда бўлган онадан туғилган болага нисбатан оталикни белгилашга ёки боланинг туғилишини ёлғиз она аризаси асосида қайд этилишга нотариал тасдиқланган розилиги илова қилиниши ёки у ФХДЭ органига келиб, бунга ёзма равишда ўз розилигини билдириши лозим. Унинг бундай розилиги ФХДЭ органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Саволларга Хўжайли тумани 1-сонли ФХДЭ бўлими мудирини СЛУХАН ТЛЕУМБЕТОВА жавоб берди.

**ОЛИМПИАДА
ҚИЗГИН КЕЧМОҚДА**

Норвегияда давом этаётган 41-халқаро шахмат олимпиадасида Ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишмоқда. Мамлакатимиз эркаклар терма жамоаси (33) душанба кун мусобақада 56-рақамда рўйхатдан ўтган Финляндия термасига қарши дона суришди.

Термаимиз етакчиси Рустам Қосимжонов финларнинг ягона гросмейстери Томи Нийбак билан дуранг ўйнаган бўлса, қолган барча партияларда ўзбекистонликларнинг қўли банд келди — 3,5:0,5.

Ушбу галабадан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 13 очко билан 15-ўринга кўтарилиб олди. Таъкидлаш керакки, турнир жадвалидаги 8-ўринда бораётган жамоада ҳам шунча очко бор. Бугун вакилларимиз 11-сараланган жамоа — Голландия термасига қарши кураш олиб боришди.

Аёллар терма жамоаси (49) ҳам 9-турда галабага эришди. Мусобақада 19-рақамли Куба термасига қарши ўйинни термаимиз етакчиси



Сарвиноз Курбонбоева дуранг билан бошлади. Ирина Геворган галаба қозонган бўлса, яна икки спортчилар дурангга рози бўлишди-2,5:1,5.

Кеча терма жамоамиз аъзолари Чехия термасига қарши кураш олиб боришди.

**МАРАДОНА ЯНА
МОЖАРО ГИРДОБИДА**

Машхур футбол юлдузи Аргентинанинг “Кларин” интернет-порталига интервью бераётган вақтда, рафиқасига гапирганлиги сабабли журналистни дўппослади.

Собиқ футболчи театр томошасидан уйга қайтаётган вақтда, йўлда кутиб турган бир қанча журналистлар саволларига машинада ўтирган ҳолда жавоб қайтарди. Шунингдек, машинада унинг рафиқаси ва кичик ўғли Диего ҳам бор эди.

Журналистнинг рафиқасига гапирганини хоҳламаган Марадона машинадан тушиб, журналистга шапалоқ туширган ва бир нечта «чиройли» сўзлар билан ҳақоратлаган. «Мен шунчаки Диего эмас, балки Диего Армандо Марадонаман», дея йўлида давом этган.


Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлөзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

**Бош муҳаррир:
НОРҚОБИЛ ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — Дилором МАТКАРИМОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилхор — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000, Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олай бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 836. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6302. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Кабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46